

11-01/14-son

26 fevral 2026 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими



Н.Т.Турсунов

Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ

2026 йил 25 февраль

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н.Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Вилоятда **рамазон ойини** муносиб тарзда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида;

2. **Ижро интизомини мустаҳкамлаш** (*edo.ijro.uz* да назоратдаги хужжатлар, Давлат Раҳбарининг 2024 йил 1 ноябрь кuni ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли баёни ва 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори ҳамда 2025 йил 7 августдаги Тақдимотда (45-сонли баённома) белгиланган вазифалар ижроси);

3. **Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги ПҚ-49-сон қарорининг ижросини самарали ташкил қилиш тўғрисида;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги "2026 йилда **Навоий вилоятини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**"ги ПҚ-58-сон қарорининг ижросини самарали ташкил қилиш тўғрисида;

5. "**Драйвер**" лойиҳалар ва "**Тараққиёт ва етакчилик маскани**" дастурлари (*Хатирчи, Нурота туманлари ва 16 та маҳалла*) ҳамда **оғир туман** (*Навбаҳор ва Конимех*) ва **маҳаллалар** (*12 та*) бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида;

6. **Хизматлар соҳасини ривожлантириш**, хусусан М-37 автомобиль йўли бўйида хизмат кўрсатиш объектлари, 24/7 кўчаларни ташкил қилиш

ҳамда IT ва туризм хизматларини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида;

7. Бошқа масалалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон (“Ўзбекистон – 2030” стратегияси) ҳамда ПФ-22-сон (Давлат дастури) Фармонлари ижроси тўғрисида).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, Э.Ғаффоров, А.Ниёзов, С.Ҳикматов, М.Мамадиярова, А.Муллажонов, Л.Хайруллаев, Қ.Ражабов, Н.Сафоев, З.Азимов, Н.Мухторов, Ғ.Бобоқулов, Д.Эргашев, Н.Раҳманов, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Рашидов, А.Ғайзиев, У.Адилов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, Давлат Раҳбарининг жорий йилнинг 16 февралдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-65-сонли ҳамда 17 февралдаги “Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида” ПҚ-67-сонли қарорлари муҳокама қилинди.

Хусусан, рамазон ойида туман (шаҳар) ҳокимларининг диний, ижтимоий, соғлиқни сақлаш ва маҳалла йўналишларида қилинадиган энг асосий вазифалари белгиланганлиги ўқиб эшиттирилиб, “Давлат таъминотидаги оилалар”га, ижтимоий реестрдаги ёлғиз кексаларга, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганларга ҳамда камбағал оилаларга бир марталик моддий ёрдамлар ўз вақтида ажратилиши бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, туман (шаҳар) ҳокимлари, ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарларининг жорий ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари ўз ҳудудларида ободонлаштириш ва тозалик кунларини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, ушбу кунларда маҳаллалар ва хонадонлар атрофи, ишхоналар ҳовлисини тартибга келтириш, ариқларни тозалаш, чиқиндиларни чиқариш, деворларни оқлаш, дарахтларга шакл бериш ишларига алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб қўйилди.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев)га Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (Ражабов) билан биргаликда эҳтиёжманд аҳоли қатламидан даволаниш ва жарроҳлик амалиётини ўтказишга муҳтож бўлган фуқаролар бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ахборот бериш топшириғи берилди.

Шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинма раҳбарларига “edo.ijro.uz” платформаси орқали ижроси назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги февраль

ойида бажарилиши белгиланган топшириқлари ижросини тўлиқ таъминлаб, ижро назоратидан чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов)га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори, Давлат Раҳбарининг 2024 йилда вилоятга ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли йиғилиш баёни ҳамда 2025 йил 7 августда ўтказилган тақдимот бўйича имзоланган 45-сонли баённома топшириқлари ижроси бўйича вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига таҳлилий материал (бир ҳафталик ўзгариш) киритиши белгиланди.

Йиғилишда, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги ПҚ-49-сон қарорининг ижросини самарали ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, раҳбарларга бириктирилган камбағал оилаларда аниқланган муаммоларнинг ҳал этилиши бўйича оли борилаётган ишлар Хатирчи, Учқудуқ, Конимех туманларида етарли ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилиб, масъулларга топшириқлар берилди.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га Нурота туманига ўзи бошчилигида бошқарма ходимларини жалб қилиб, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласида амалий кўмак бериши ҳамда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар уч кунда вилоят ҳокимига ахборот бериб бориши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (Абдуазизов)га Кармана тумани ҳокимлиги (Болтаев) билан биргаликда туманнинг “Кумушкон” МФЙда яшовчи фуқаролар иштирокида вилоят ҳокимининг қабулини ташкиллаштириши белгиланди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарларига камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бириктирилган ҳудудларида туман (шаҳар) ҳокимлари билан бирга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги “2026 йилда Навоий вилоятини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-58-сон қарори ижросини ташкил этиш бўйича ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда 2025-2026 йилларда ишга тушириладиган “драйвер” лойиҳаларнинг ижроси муҳокама қилиниб, 2025 йилда 32 та объектда қурилиш ишлари якунланиб фойдаланишга топширилганлиги, 3 та объектда қурилиш ишлари бошланмаганлиги ва ишлар якунланмаганлиги, 2026 йил “драйвер” лойиҳаларнинг 6 та объектда лойиҳачи ташкилоти аниқланганлиги,

21 та объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш, жумладан ИТ, туризм хизматларини ривожлантириш, 24/7 кўчаларни ташкил қилиш ҳамда М-37 халқаро автомобиль йўли бўйида хизмат кўрсатиш объектларини кенгайтириш бўйича масъуллар томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Вилоятда хизматлар ҳажми 2025 йил якуни билан 25,7 трлн.сўмни ёки ўсиш суръати 113,7 фоизни ташкил этган бўлса-да, белгиланган прогноз (115,0%)га нисбатан 1,3 пунктга кам бажарилганлиги, 36 та корхона ва ташкилотларда 204,6 млрд сўмлик хизматлар ҳажми камайиб кетганлиги, рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 3 969 таси (21,1 фоизи) фаолият юритмаётганлиги, фаолият юритаётган 3 499 та корхоналар томонидан солиқ ва статистика органларига “ноль” ҳисобот тақдим этилганлиги ҳамда иш ўринлари яратилмаганлиги ва камайтирилганлиги танқид қилинди.

Туман (шаҳар) ҳокимларига хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан ҳисоботларда хизмат кўрсатиш ҳажмларининг тўлиқ акс этирилишини таъминлаш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари (Мирзаев)га вилоят Туризм бошқармаси (Нормамаатов)га туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2026 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг ўз вақтида ижроси таъминланишини ташкил қилиш ҳамда вилоятга ташриф буюрган туристларнинг ҳудудда бўлиш муддатини узайтириш, кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва уларнинг сифатини оширишга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларига ИТ хизматлар ҳажми ва ИТ хизматлар экспортини ошириш, ИТ тадбиркорларни аниқлаш ва уларга тайёр инфратузилмани таклиф қилиш ҳамда салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиш юзасидан топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокимининг рақамлаштириш бўйича маслаҳатчиси (Фармонов)га Рақамли технологиялар вазирлигининг вилоят шуъбаси (Бўронов)га “Халқ назорати” платформасини вилоятнинг барча туман (шаҳар)ларида босқичма-босқич ишга туширилишини таъминлаш бўйича вазифалар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар

юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 16 февралдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-65-сонли қарори ижросини самарали ташкил қилиш мақсадида, вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мардонов**), вилоят бош имом-хатиби (**Атоев**), Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Миллий гвардия вилоят бошқармаси (**Тоиров**), Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (**Эшонов**):

ҳайит намози ўқиладиган масжидларда жамоат тартибini сақлаш;

тадбирлар пайтида масжидлар атрофида автотранспорт воситаларини тартибли жойлаштириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

ёнғин хавфсизлиги ва рўй бериши мумкин бўлган турли вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

2. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) **бир кун муддатда** эҳтиёжманд аҳоли қатлаמידан даволаниш ва жарроҳлик амалиётини ўтказишга муҳтож бўлган фуқаролар бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ахборот берсин.

Бунинг учун, туман (шаҳар) ҳокимликлари **бир кун муддатда** ўз ҳудудларидаги эҳтиёжманд аҳоли қатлаמידан даволаниш ва жарроҳлик амалиётини ўтказишга муҳтож бўлган фуқароларнинг рўйхатларини шакллантириб, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига тақдим этсин.

3. Ижтимоий ҳимоя агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) АТБ “Халқ банки” вилоят филиали (**Мухторов**):

бир кун муддатда бир марталик моддий ёрдам олувчиларга очиладиган ижтимоий карталарни ўз эгаларига етказилишини;

уч кун муддатда шакллантирилган рўйхат асосида ажратилган маблағларни ўз муддатида фуқароларнинг ижтимоий карта ёки банк пластик карталарига ўтказиб берилишини таъминласин.

Бунда, Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Облоқулов**) эҳтиёжманд аҳолига ажратилаётган маблағларни ўз вақтида ва сифатли етказиб борилишида барча ташкилий чораларни амалга ошириш учун ҳудудларда маҳалла раислари шахсан масъул этиб белгилансин.

4. Вилоят прокуратураси (**Муллажонов**) Рамазон ойи муносабати билан эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам маблағлари ҳамда

даволаниши белгиланган фуқароларга ажратиладиган маблағларни рўйхат асосида адолатли ва шаффоф бўлишини ўз назоратига олиш тавсия этилсин.

5. Шаҳар, туман ҳокимлари, ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарларининг жорий ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари ўз ҳудудларида ободонлаштириш ва тозалик кунларини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

Ушбу кунларда маҳаллалар ва хонадонлар атрофи, ишхоналар ҳовлисини тартибга келтириш, ариқларни тозалаш, чиқиндиларни чиқариш, деворларни оқлаш, дарахтларга шакл бериш ишларига алоҳида эътибор қаратилсин.

6. Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Облоқулов**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда:

тасдиқланган иш режага мувофиқ Рамазон ойи давомида ҳар бир маҳалладан 5 тадан эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларнинг хонадонини ҳомийларни жалб этган ҳолда таъмирланишини ташкил қилиш;

Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси томонидан ажратиладиган 1681 та озиқ-овқат тўпламларини эҳтиёжманд оилаларга адолатли тарзда ва ўз муддатларида тарқатиш;

Рамазон ойи муносабати билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” тамойили асосида шанба ва якшанба кунлари ҳар бир хонадон, кўча, зиёратгоҳлар, масжидлар, муқаддас қадамжолар ва қабристонларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш мақсадида оммавий ҳашарларни ташкил этсин.

7. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**), вилоят Телерадиокомпанияси (**Муқимов**), Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (**Ҳайитов**) Рамазон ойи муносабати билан ўтказиладиган тадбирларни туман (шаҳар) миқёсида ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш, эзгулик ва мурувват, юртимиздаги барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мавзуларидаги чиқишларни ташкил этсин.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинма раҳбарлари **бир кун муддатда** “edo.ijro.uz” платформаси орқали ижроси назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги февраль ойида бажарилиши белгиланган топшириқлари ижросини тўлиқ таъминлаб, ижро назоратидан чиқарилсин. Назорати **Ш.Намозовга**.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**) 2025 йил 7 августда Давлат Раҳбари ҳузурида ўтказилган тақдимотда берилган топшириқлар бўйича имзоланган 45-сонли баённинг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Кармана туманида “Тианченг Стоун” МЧЖ томонидан Зарафшон

дарёси бўйидаги 100 гектар ер майдонида умумий қиймати 10 млн АҚШ доллари бўлган балиқчилик комплексини ташкил этиш лойиҳаси билан жиддий шуғулланиб, натижаси бўйича **ўн кун муддатда** ахборот берсин.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**) **уч кун муддатда** 2025 йил 7 августда Давлат Раҳбари ҳузурида ўтказилган тақдимотда берилган топшириқлар бўйича имзоланган 45-сонли баённинг 6-банди ижроси, яъни Конимех тумани “Шўркўл” ҳудудидаги 658 гектар ер участкасида умумий қиймати 15 млн АҚШ доллари бўлган озуқа етиштириш ва чорвачилик комплексини ташкил этиш ҳамда Хатирчи туманининг 600 гектар ер участкасида қиймати 8 млн АҚШ доллари бўлган чорва озуқаларини етиштириш ва чорва комплексини ташкил этиш лойиҳалари бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот ва фотоальбомни киритсин.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**) 2025 йил 7 августда Давлат Раҳбари ҳузурида ўтказилган тақдимотда берилган топшириқлар бўйича имзоланган 45-сонли баённинг 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Нурота туманида “FHN GARDEN FLOWER” МЧЖ томонидан қиймати 7 млн доллар бўлган озуқа экинларини етиштириш, чорвачилик ва паррандачилик комплексини ташкил этиш лойиҳаси билан жиддий шуғулланиб, натижаси бўйича **ўн кун муддатда** ахборот берсин.

12. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Облоқулов**), туманлар ҳокимлари, аҳоли даромадларини ошириш бўйича хонадонларга 2-4 сотихдан картошка экиш бўйича маҳалла раислари, “ҳоким ёрдамчилари” ва камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар билан биргаликда тушунтириш ва тарғибот ишларини ташкиллаштириб (муҳокама қилиб), натижаси бўйича **икки кун муддатда** ахборот берилсин. Назорати **Р.Сулаймоновга**.

13. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**) Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси (**Шакаров**) билан биргаликда **уч кун муддатда** Давлат Раҳбарининг Навоий вилоятига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган 47-сон баённинг 33-бандига кўра, очиқ ва ёпиқ кўргазма, кооперация ва инвестиция Марказини қуриш масаласи бўйича асосланган таклифларни вилоят ҳокимига киритсин.

14. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) “Навоий кон металлургия комбинати” АЖ (**Санақулов**) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сон қарори 15.4-банди ижроси юзасидан Томди тумани “Томдибулоқ” овулидаги яроқсиз ҳолга келган 67 та якка тартибдаги уй-жойларда яшовчи аҳолини кўчириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб киритсин.

15. Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори, Давлат Раҳбарининг 2024 йилда вилоятга ташрифи

бўйича имзоланган 47-сонли йиғилиш баёни ҳамда 2025 йил 7 августда ўтказилган тақдимот бўйича имзоланган 45-сонли баённома топшириқлари ижроси бўйича вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига** таҳлилий материал (бир ҳафталик ўзгариш) киритсин.

16. Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Қаюмов**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**), Оила ва хотин-қизлар бошқармаси (**Мамадиярова**), Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев**), шунингдек Навоий шаҳар (**Эргашев**), Хатирчи (**Адизов**), Томди (**Умаров**) туманлари ҳокимлари вилоят ҳокимлигининг 2026 йил 17 февралдаги 11-01/12-сонли баёни 5-банди ижроси бўйича **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларнинг ижобий ҳал этиш даражасини ошириш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

Назорати **Қ.Абдуазизовга**.

17. Шаҳар, туман ҳокимлари “Иш беринг” телеграмм канали орқали тушаётган мурожаатлар билан кунлик шуғулланиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлиги (Сайфиддинов)га маълумот тақдим этиб борсин.

Вилоят ҳокимлиги масъул ходими (**Сайфиддинов**) вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев**), Солиқ бошқармаси (**Назаров**) бир нафардан ходим ажратган ҳолда “ИШ БЕРИНГ” телеграмм каналига келиб тушган мурожаатларни юритиш бўйича ишчи гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиб, каналга келиб тушган мурожаатлар ижроси бўйича кунлик маълумотларни вилоят ҳокимиغا киритиб борилишини таъминласин.

18. Вилоят ҳокимининг рақамлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси (**Фармонов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) билан биргаликда **икки кун муддатда** ишсиз фуқароларни бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлилин юритиш мақсадида **mehnat.nv.uz** дастурини ишга тушириш чора-тадбирларини кўрсин.

19. Камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар бугун ўзлари масъул бўлган хонадонларга бориб, рамазон ойида улар ҳолидан хабар олиш, муаммоларини ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш масалалари билан шуғуллансин.

Назорати **Р.Сулаймонов, Л.Хайруллаевга**.

20. Учқудуқ тумани прокурори (**Ортиқов**) Учқудуқ тумани “Кўкпатас” МФЙдаги камбағал оила К.Хўжаева ва тумандаги бошқа 14 та маҳаллалардаги камбағал оилаларнинг даромадини ошириш ишлари бўйича бириктирилган масъуллар томонидан олиб борилаётган ишларни шахсан назоратга олиб,

бириктирилган масъулларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича **беш кун муддатда** вилоят прокуратураси орқали вилоят ҳокимлигига маълумот тақдим этилсин.

21. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) билан биргаликда **беш кун муддатда** барқарор бандлик ва юқори даромад топиш бўйича ўрганиш натижаларига кўра муаммолари йўқ деб ҳисобот берилган оилаларни қайта ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда камбағал оилаларга бириктирилган раҳбарлар иштирокида муҳокама ўтказиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ахборот берсин.

22. Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) камбағал оилалар фарзандларини тўғарақларга жалб қилиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, шунингдек мактабгача таълимга қамраб олиш масалалари билан шахсан шуғулланиб, натижаси бўйича **бир ҳафта муддатда** ахборот берилсин.

23. Санитария-эпидимиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги марказининг вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Хусенов Хатирчи тумани “Кўрғонча” маҳалласидаги камбағал оилалар Ф.Сайдалимова ва Ш.Сапароваларнинг муаммолари (*бандлигини таъминлаш, соғлигини тиклаш, фарзандларини боғчага жойлаштириш ва қўшимча таълим тўғарақларига жалб этиш ва ҳоказо*) билан шахсан шуғулланиб, натижаси бўйича вилоят штаби ва Хатирчи тумани прокуратурасига маълумот тақдим этсин.

Хатирчи тумани прокурори (**Норов**) ушбу масалалар ижросини назоратга олиб, **бир ҳафта муддатда** мазкур топшириқ бўйича шуғулланилмаса, Х.Хусеновга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда чора кўриб, натижаси бўйича вилоят прокуратураси орқали вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

24. Вилоят ҳокимлиги масъул ходими (**Сайфиддинов**) вилоятдаги йирик тармоқ корхоналари (“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Навоийазот” АЖ, “Навоий ИЭС” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ) томонидан камбағал оилалар билан ишлаш аҳволи бўйича доимий мониторинг олиб бориб, натижаси бўйича **ҳар ҳафтада** вилоят ҳокимига таҳлилий маълумот киритиб борсин.

25. Вилоят ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**) вилоят ҳокими билан келишиб, Кармана тумани “Кумушкон” МФЙда аҳоли билан учрашув (фуқаролар қабули) ташкил қилсин.

26. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик

бошқармаси (**Хайруллаев**) **икки кун муддатда** камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар рўйхатини қайта кўриб чиқиб, келишилган охириги рўйхатни вилоят ҳокимига киритсин.

27. Туман, шаҳар ҳокимлари, аҳоли бандлигини таъминлашда масъул ташкилот раҳбарлари **уч кун муддатда январ ойида аҳолини даромадини ошириш йўналишида** белгиланган режа ижроси бўйича банд бўлган аҳоли тўғрисидаги маълумотларни платформага киритилишини ташкил қилсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **уч кундан кейин** мазкур топшириқ ижроси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

28. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) Нурота туманига ўзи бошчилигида бошқарма ходимларини жалб қилиб, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласида амалий кўмак берсин.

Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар уч кунда** вилоят ҳокимига ахборот бериб борилсин.

29. Навбаҳор (**Рашидов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Хатирчи (**Адизов**), Кармана (**Болтаев**), Конимех (**Рўзиев**) туманлари ҳокимлари маҳаллаларни ихтисослаштириш (*анорчилик, узумчилик, чорвачилик ва ҳоказо*) ишларини жонлантириб, натижаси бўйича **бир ҳафта муддатда** ахборот берилсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

30. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов, Ғаффоров, Ҳикматов, Ходжаев, Мирзаев, Мамадиярова**) камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бириктирилган ҳудудларида туман (шаҳар) ҳокимлари билан бирга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Бириктирилган ҳудудларда маҳаллаларни ихтисослаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириб, **беш кун муддатда** амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ахборот берсин.

31. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Бобоқулов**) **уч кун муддатда** қарорда (ПҚ-58) белгиланган маблағларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ажратилиш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида Тошкент шаҳрига хизмат сафарига юборилсин.

Маблағ ажратиш масаласи якунига етказилмаган тақдирда, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймонов шахсан шуғулланиши белгилаб қўйилсин.

32. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов, Ғаффоров, Ҳикматов, Ходжаев, Мирзаев**) туман (шаҳар) ҳокимлари қарорнинг ҳар бир банди ва иловаларида белгилаб берилган топшириқлар

ижросини назоратга олиб, ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотларни белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан, асослари билан бирга ижро тизими платформасига бириктириб борилишини таъминласин.

33. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ғаффоров, Ниёзов):

бир ҳафта муддатда қарорнинг 12-иловасига мувофиқ ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни Ҳукумат комиссиясига киритилишини таъминласин;

беш кун муддатда қарорнинг 23-банди 11-иловасига мувофиқ “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖ тасарруфида бўлган ер майдонидан 9,19 гектар ер майдонини “Навоий саноатни ривожлантириш комплекси” махсус саноат паркига ажратиш ишларини якунига етказсин.

34. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов) бир ҳафта муддатда қарорнинг (ПҚ-58) 14-иловасига мувофиқ 2026-2028 йилларда босқичма-босқич қуёш панеллари ўрнатиладиган насос станциялари ва тик қудуқлар рўйхатини молиялаштириш манбасини кўрсатга ҳолда тасдиқланишини таъминласин.

35. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ходжаев), Ишлар бошқармаси (Шамшиев), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Жумаев) йўл харитасининг 43-бандига асосан вилоят ҳокимлиги балансида бўлган Кармана тумани “Талқоқ” МФЙ Талқоқ кўчаси, 168-уйда жойлашган Соғломлаштириш бўлими бино-иншоотлари негизида давлат хусусий шериклик асосида соғломлаштириш ва дам олиш санаториясини ташкил этишга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

36. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ниёзов), “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ, “Навоийсувқурилишинвест” ДМ (Назаров), “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК (Тўраев), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (Зарипов) ва “Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (Исмоилов):

икки кун муддатда “драйвер” лойиҳаларнинг ҳар бир объекти бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига киритсин;

“драйвер” лойиҳалар доирасида чора-тадбирларда белгиланган вазифалар муддатида бажарилмаса, шартномаларни молиялаштириш ва жавобгарлик масалалари бўйича **қатъий чоралар кўрилиши белгилаб қўйилсин;**

бир ҳафта муддатда “драйвер” лойиҳалар доирасида Хатирчи тумани “Дамариқ” МФЙ ҳудудидан ўтувчи “Оқдарё” дарёси бўйида 1,2 км масофада

ҳамда Навбаҳор тумани марказидан ўтган “Конимех” канали бўйидаги 1 км масофада соҳил бўйи объектларида фавворалар (фонтан) ўрнатиш;

уч кун муддатда 21 та 2026 йил “драйвер” лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, экспертиза кўригига тақдим этиш;

10 мартга қадар объектлар бўйича пудратчи ташкилотини аниқлаш ҳамда шартнома тузиш;

беш кун муддатда 6 та объектни лойиҳачи ташкилотларини аниқлаб, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, экспертизаси кўригига тақдим этиш;

жорий йилнинг биринчи мартига қадар “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилган маҳаллалардаги 54 та инфратузилма объектларнинг бирламчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

жорий йилнинг 27 февралига қадар “оғир” Конимех ва Навбаҳор туманларидаги 43 та объектнинг ҳамда 12 та “оғир” маҳаллалардаги 25 та объектларнинг бирламчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

37. Туман ҳокимлари **ҳар ҳафта** “Янги Ўзбекистон” қиёфасидаги туманлар ва маҳаллаларнинг “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастурлари ижроси бўйича вилоят ҳокимлигига маълумотлар тақдим этиб борсин.

38. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов**), туман (шаҳар) ҳокимлари, буюртмачи корхоналар раҳбарлари ҳамда тегишли масъуллар иштирокида “драйвер” лойиҳалар бўйича белгиланган вазифалар ижроси назоратга олиб доимий муҳокама қилиб борсин.

39. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), вилоят Статистика бошқармаси (**Ташназаров**), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**), тижорат банклари, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш ҳажмларини камайтирган, фаолият юритмаётган, солиқ органларига “ноль” ҳисобот тақдим этган ҳамда иш ўринларини камайтирган ва яратмаган корхоналар билан манзилли ишлаб, уларнинг муаммоларини ҳал этиб, жорий йил 6 ойлик якуни билан ҳисоботларда кўрсаткичларни сифатли ва тўғри акс эттирилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафта** вилоят Штабига ахборот киритиб борсин.

40. Хатирчи (**Адизов**) ва Навбаҳор (**Рашидов**) туманлари ҳокимликлари Соҳил бўйи лойиҳалари доирасида тадбиркорликни йўлга қўйиш учун аукцион савдолари орқали сотилган ер участкалари ғолиблари билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиб, ер участкаларида қурилиш ишларини ташкил этиб, хизмат кўрсатиш объектларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

41. Кармана (**Болтаев**) ва Қизилтепа (**Бобомуродов**) туманлари ҳокимлари, Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**), тижорат банклари билан биргаликда:

2026 йилда М-37 халқаро автомобиль йўли бўйларидаги 15 та маҳаллада (Карманада 22 та, Қизилтепада 15 та) янги хизмат кўрсатиш лойиҳаларининг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиб, белгиланган муддатларда янги хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш;

банк кредитига эҳтиёжи бор лойиҳаларга ўз вақтида кредит маблағларининг ажратилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

42. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мирзаев**), вилоят Туризм бошқармаси (**Нормаматов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда:

вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2026 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг ўз вақтида ижроси таъминланишини ташкил қилиш;

вилоятга ташриф буюрган туристларнинг ҳудудда бўлиш муддатини узайтириш, кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва уларнинг сифатини оширишга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чораларини кўрсин.

43. Хатирчи тумани ҳокимлиги (**Адизов**):

бир ҳафта муддатда Лангар ва Ангидон қишлоқлари бўйича ишлаб чиқилган мастер-режага мувофиқ ер майдонларининг тоифасини ўзгартириш юзасидан тегишли ташкилотларнинг хулосаларини олиш;

икки ой муддатда ер майдонларининг тоифасини ўзгартириш ишларини яқунлаб, аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўрсин.

44. Конимех (**Рўзиев**), Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимликлари вилоят Туризм бошқармаси (**Нормаматов**) билан биргаликда:

уч кун муддатда Конимех туманидаги **Янгиқазған** овули ҳамда Нурота туманидаги **Кичиксой** ва **Мушкан** қишлоқларида жойлаштириш воситаларини (*ошлавий меҳмон уйлари, ўтовли оромгоҳлар ва б.ш*) ташкил этиш истагини билдирган ташаббускорлар рўйхати шакллантириш;

икки ой муддатда “Янгиқазған” овули ҳамда “Кичиксой” ва “Мушкан” қишлоқларида 5 турдаги қўшимча туристик хизматларни (*таомлар тайёрлаш, туя ва эчки сути билан даволаш, чўлда сайр қилиш, миллий мусиқа, нон тайёрлаш, гилам тўқиш бўйича мастер-класс ва бошқа*) ташкил этиш чораларини кўрсин;

жорий йилнинг 1 мартига қадар сайёҳларга қулайлик яратиш, аҳоли даромадини ошириш мақсадида, маҳаллий аҳоли томонидан етиштириладиган ва тайёрланадиган қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, хунармандчилик маҳсулотлари (*гўшт, нон, чакки, қурут, гилам ва бошқалар*) савдосини йўлга қўйиш мақсадида туризм қишлоқларида кичик савдо марказларини ташкил

этиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб вилоят ҳокимлиги (Мирзаев)га тақдим этсин.

45. Вилоят ҳокимининг рақамлаштириш бўйича маслаҳатчиси (**Фармонов**), Рақамли технологиялар вазирлигининг вилоят шуъбаси (**Буронов**):

ўн беш кун муддатда вилоятни **Стартаплар генераторига** айлантириш бўйича аниқ таклифлар тайёрланишини;

ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар бўйича таҳлилий ва танқидий маълумотларни **ҳар чорак** якуни билан вилоят ҳокимига киритиб борилишини таъминласин.

46. Шаҳар (туман) ҳокимлари:

IT хизматлар ҳажми ва IT хизматлар экспортини ошириш, IT тадбиркорларни аниқлаш ва уларга тайёр инфратузилмани таклиф қилиш ҳамда салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш тизимини доимий йўлга қўйсин;

Рақамли технологиялар вазирлигининг вилоят шуъбаси (**Буронов**) билан биргаликда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини рақамли давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича чекка ҳудудларда тарғибот тадбирларини ташкил этсин.

47. Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**) **бир кун** муддатда “**Халқ назорати**” платформаси орқали келиб тушаётган муаммоларни шаҳар масъуллари томонидан қабул қилинишини ҳамда ўз муддатида бартараф этилишини назорат қилиш механизминини йўлга қўйсин.

Вилоят ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**) платформа орқали тушаётган муаммоларни таҳлили бўйича маълумотларни тайёрлаб **ҳар ҳафта** аппарат йиғилишига маълумот киритиб борсин.

48. Вилоят ҳокимининг рақамлаштириш бўйича маслаҳатчиси (**Фармонов**) Рақамли технологиялар вазирлигининг вилоят шуъбаси (**Буронов**) билан биргаликда **йигирма кун** муддатда “**Халқ назорати**” платформасини вилоятнинг барча туман (шаҳар)ларида босқичма-босқич ишга туширилишини таъминласин.

49. Касбий таълим бошқармаси (**Қаландаров**), Навоий давлат университети (**Калонов**), Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети (**Мардонов**), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Ҳамроев**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**), Кармана (**Болтаев**), Навбахор (**Рашидов**) туманлари ҳокимликлари **бир ҳафта** муддатда соҳа ва тармоқларда сунъий интеллект

технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича тақдимотларини тайёрлаб вилоят ҳокимлиги (Фармонов)га тақдим этсин.

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-21-сон** ва ““Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги **ПФ-22-сон** Фармонлари ижро учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) **бир кун муддатда** Фармон билан белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ ва сифатли амалга ошириш мақсадида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

51. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарларига: “Ўзбекистон - 2030” стратегияси ҳамда Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича шахсий масъулият юклансин;

ҳар ўн беш кунда мазкур Фармондаги вазифалар ижроси юзасидан маълумотларни умумлаштириш учун вилоят ҳокимлигида ташкил этилган Ишчи гуруҳига тақдим этиб борсин.

52. Вилоят Ишчи гуруҳи **ҳар ой якуни билан** умумлашган маълумотларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Адлия вазирлигига киритиб борилиши таъминлансин.

53. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари икки кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21 ва ПФ-22-сон Фармонлари ижросини ташкил қилиш мақсадида ўзларининг йўл хариталарини ишлаб чиқиб, муҳокамалар ўтказсин.

54. Вилоят ҳокимлиги Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**):

Ишчи гуруҳи билан биргаликда жойларда мазкур Фармон ижроси бўйича танқидий ўрганишлар ўтказиб, ўрганиш натижалари бўйича вилоят ҳокимлигининг йиғилишларида муҳокамалар қилиб борилишини;

вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) билан биргаликда камчиликларга йўл қўйган масъулларга нисбатан жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиб борилишини таъминласин.

55. Туман, шаҳар ҳокимлари, тегишли ташкилот раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 февраль куни ёшлар билан учрашувда берган топшириқларидан қаттиқ хулоса қилиб, Давлат

Раҳбарининг топшириқлари ижросини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

Бунда, ҳар бир **ҳоким ва раҳбарлар** ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича жиддий шуғулланишлари ва амалга оширилган ишлар натижаси бўйича вилоят Штабига **кунлик ахборот** бериб боришлари талаб этилади. Назорати **Ж.Ходжаевга**.

56. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.



Баёнлаштирди

Ф.Эшбоев